

## **КАШФИЙ ТЕРМИЗИЙНИНГ ДЕВОНИ ТАРКИБИ МАВЗУ МУНДАРИЖАСИ**

**Алиев Шокир Жўрақулович**

Термиз давлат университети таянч докторанти

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада асли термизлик бўлган ва Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонга кўчиб борган Пайгамбаримиз авлодидан бўлмиш – Муҳаммад Солиҳ Кашифий Термизий лирик девонининг маъно-мазмунни ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *Бобурийлар, Ҳиндистон, Термиз, адабий муҳит, шоир, девон, тарих, тазкира, ишқ, анъана.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье говорится о значении лирического дивана Мухаммада Салиха Кашифи Термизи, потомка Пророка, который был родом из Термизи и переселился в Индию в период Бабури.*

**Ключевые слова:** *Бабуриды, Индия, Термез, литературная среда, поэт, деван, история, тазкира, любовь, традиция.*

### **КИРИШ**

Девон тартиб бериш ва девон ёзиш мумтоз адабиёт тарихида узоқ тарихга эга. Форс -тожик адабиётида IX-X асрда девон тартиб бериш анъанага киради. Баъзи маълумотларга кўра, биринчи девон тартиб берган шоир Ҳанзалаи Боғдисий (вафт 839)дир. Аммо баъзи тадқиқотчилар бу фикрни рад этган ҳолда Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасига таяниб Рудакийга боғлайди. Бироқ девон тартиб беришнинг мукаммаллашуви форс-тожик адабиётида Саъдий Шерозий давридан бошлаб жонланди. Ушбу даврдаги девонларда қасида, ғазал, рубоий, мусаммат, қитъа, фард, маснавий ва бошқа лирик жанридаги шеърлар киритилган. Адабиётшунос С. Сиддиқовнинг таъкидланишича Саъдий Шерозийнинг "Қасоиди арабий", "Қасоиди форсий", "Таржеъбанд", "Қитъаҳо, рубоихо, фардҳо" каби асарлари бир китобга жамланган. Шу сабабли мана шу жанрларга мансуб шеърларни тизимли тартибда фикрий изчиллик билан жойлаштириш девон тартиб беришнинг муҳим қоидаси саналади.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Девон тартиб беришнинг энг мукаммали кўриниши Алишер Навоий даврига тўғри келади. Алишер Навоий умри ўз девонларини “Ҳазоинул маоний” остида жамлагани маълуму машҳур. Ушбу асар тўрт девондан иборат

бўлиб, «Ғаройиб уссиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат» ва «Фавойид ул-кибар» номлари билан тилга олинади. Мазкур девонлар халқ орасида “Чор девон”, деб аталади. даврида мукаммал бир тарзга кирди. Алишер Навоий ўзининг туркий шеърятини турт девонда "Хазоину-л-маоний" номи остида жамлади. Алишер Навоий ўзбек адабиётида девон тартиб бериш мукаммал бир тарзга олиб киради. Мумтоз адабиётга хос бўлган кўплаб жанрларда шеър ёзади. У Шарқ шеърятининг 16 турини ўз девонида жойлаштира олганлиги учун кейинги замондош ва кейинги давр шоирлари Наовий девончилик анъанасига таянади. Бироқ ҳамма шоирлар ҳам бу мукаммал анъанани давом эттира олмаган. Баъзи шоирлар бор-йўғи ғазал, мухаммас ва маснавий жанридаги шеърлар билан кифояланиб бошқа жанрларга қалам тебратмаган.

Бобурийлар даврида форс-тожик адабиёти Ҳинд диёрида гўллаб яшангани барчамизга сир эмас. Жудой Термизий, Мир Мансур Мусаввир Термизий, Арший Термизий ва Кашфий Термизий каби зотлар бошқа шоирлар қатори ўз шеъри девони борлиги манабаларда келади.<sup>1</sup> Айниқса Акбаршоҳ ва Шоҳжаҳон даврида шоирлар дарбор аҳли билан яқин муносабатда бўлиб, ўз шеърий девонларини сарой аҳли ҳомийлиги асосида кўплаб нусхаларга кўчиришга имкон топган. Акбаршоҳ ва Шоҳжаҳон даврида 47 тазкира ва тарихий асарлар ёзилиши ҳамда бу даврда олим, шоир, мусаввир, мусиқачи, меъмор ва шу каби кишиларни кўллаб-қувватлаш ушбу даврнинг муҳим бурилиши саналади.

Акбаршоҳнинг фармонига мувофиқ “Бобурнома”, “Темурнома”, “Чингизнома”, Шарофиддин Алий Яздийнинг “Зафарнома”, Жомийнинг “Баҳористон” ва Низомийнинг “Хамса”си бошқа бир қанча асарлар кўлёмаси рангли нафис суратлар билан безатилди. Адабиётга эътибор натижаси ўлароқ Бобурийлар ҳукмронлиги даврида кўплаб шоирлар Ҳиндистонга кўчиб боришда ва ўзининг илимий-адабий фаолиятини шу юртда давом эттиради. “Тазкираи рўзи равшан” асарида: Мир Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизий хати чиройли, моҳир наққош, мусаввир ва ориф шоир эканлиги ҳамда лирик девон соҳиби бўлганлиги алоҳида таъкидланади.<sup>2</sup>

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизий бошқа замондошлари каби ўз шеърий девони борлиги ҳам ўз даврида бошқа замондошлари каби шеърий девон тартиб берганлиги ва машҳур шоирлардан бўлганлиги ойдинлашади. “Хазинатул асфиё” асарида Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизий икки тилда шеър ижод қилганлиги, ўз даврида

<sup>1</sup> Аҳмад Гулчин Маоний. Корвони Ҳинд/ иккинчи жилд. – Тохрон: Қудси Разавий. – С. 9-36.

<sup>2</sup> Мавлавий Муҳаммад Музаффар Ҳусайн Сафо. Тазкираи рўзи равшан. – Тохрон. Интишороти китобхонаи Розий, 1343. – С. 340.

номдор хаттот бўлганлиги ҳамда бой маъноларга йўғирилган шеърлари борлигини келтириб ўтади.<sup>3</sup>

Кашфий Термизий ўз шеърларида икки тахаллус билан ижод қилган. форсча шеърларида Кашфий ва урду тилидаги шеърларида Субҳоний тахаллусини истифода этган. Минзавий ўз асарида Кашфий девони Ҳиндистоннинг Девон кутубхонаси ва Буюк Британиянинг музейида сақланиб келади.

Шоир девони таркибда ғазал, қасида, рубоиёт, маснавий жанридаги шеърлар ўрин олган. Бошқа шеърый жанрлардан кўра ғазал етакчи жанр саналади. Девон таркибидаги шеърларининг маъно-мазмуни илоҳий ишқ, мажозий ишқ, ирфон ва комил инсон ахлоқиға қаратилган.

Шоир девони таркибида етакчи жанр ғазалдир. Девонда биринчи ғазал девон тартиб бериш анънасиға мувофиқ <sup>1</sup> (алиф) алифбо тартиби билан кучирилади. 9 байтли ушбу ғазалда шоирнинг ягона мақсади ишқ неъматига етишиш бўлиб, девонини ҳам “байти абруий бутон матлаъи девони мо”, - деб баён этади. Мана шу ғазал шоир девони таркибининг асосий мавзуси борасида муҳим маълумотни беради.

گل کند تا سز نوشت عشق از انوان ما  
بيت ابروی بتان شد مطلع دیوان ما<sup>4</sup>

*Мазмуни: Ишқнинг тақдири бизнинг мартабамиздан янада оламға машҳур бўлади, ошиқлар гўзалигининг зикри девонимиз матлаъси бўлди.*

## ХУЛОСА

Дарҳақиқат, Кашфий Термизий ўз асарлари маъно-мазмунига алоҳида эътибор қаратган. Маъно-мазмун яратиш Кашфий учун биринчи планда бўлган. Ушбу байтнинг маъно-мазмуни бевосита девони таркибидаги мавзуларга ишора қилинган. Шоир девонида “байти абруи бутон” сўз бирикмаси кўп учрайди. Бу сўзни кўп истифода этиши шундан далолат берадики, Кашфий Термизий ўз девонини ҳақиқий ёр тавсифи ва сифатлари ҳақида бағишлаган. Лирик қаҳрамон ишқ йўлида шунча сармаст бўлганки, ҳатто ишқ унинг мартабасидан файз олади. Аслида бу каби ҳолат мантиққа зид кўринади. Инсон пок ишқдан мақом ва қадр топиши бор нарса. Бироқа ишқ инсон мартабасидан гўллаб яшнамайди. Балки ишқ бу илоҳий неъмат сифатида қадрланади ва бу неъматга эришиш учун бор куч-ғайрат сарфланади. Кашфий буни шеърятдаги истеъмол қилиши лозим бўлган қоидаға биноан муболағали тарзда келтирилган.

<sup>3</sup> Муфтий Ғулом Сарвар Лоҳурий. Ҳазинатул асфиё. – Лоҳур: Ганжбахш, 1410. – С. 37.

<sup>4</sup> Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизий. Девон. Ҳиндистон Девон кутубхонасининг 456 рақамли нусхаси. – В. 2.

Айнан мана шу нуқтаи назардан қараб шоир девонининг таркиби қисмиини ва бадиий маҳоратини ўргансак, кўзланган мақсадга эришамиз.

### **REFERENCES**

1. Аҳмад Гулчин Маоний. Корвони Ҳинд/ иккинчи жилд. – Теҳрон: Қудси Разавий.
2. Мавлавий Муҳаммад Музаффар Ҳусайн Сафо. Тазкираи рўзи равшан. – Теҳрон. Интишороти китобхонаи Розий, 1343.
3. Муфтий Ғулом Сарвар Лоҳурӣ. Хазинатул асфиё. – Лоҳур: Ганжбахш, 1410.
4. Муҳаммад Солиҳ Кашфӣ Термизӣ. Девон. Ҳиндистон Девон кутубхонасининг 456 рақамли нусхаси.
5. Saidov, S. (2021). Ibn al-Muqaffaning islom tarjima san'atiga qo 'shgan hissasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1), 334-337.